

# Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!



O'zbekiston Respublikasi  
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan • E-mail: postda@mail.uz • 2015-yil 12-sentabr, shanba • № 37(4138)

## ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Тошкент шаҳар ИИББ Бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамда бош бошқарма ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ҳамкорликда тизимда фаолият кўрсатаётган меҳнат шартномаси асосида ишловчи эркин ёлланган ходимларга қулай иш шароити яратиш, уларнинг дам олишларини мазмунли ташкил этиш мақсадида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.**

Яқинда Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан улар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ИИББ ШТБИХ бош инспектори, подполковник О. Қодиров, бош бошқарма ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Р. Маҳмудов, Бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси М. Ёқубов сўзга чиқиб, фахрийларнинг бой ҳаётий тажрибалари ёшларнинг касб кўникмаларини эгаллашида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Йиғилишда ҳукуратимиз ва республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларга яратилаётган шароитлар ҳақида сўз юритилди.

Ўз навбатида, кекса авлод вакиллари О. Расулов, Р. Саидов ва бошқалар сўзга чиқиб, бундай ҳурмат-этибор учун тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдиришди ҳамда бундан кейин ҳам юрт осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимларига доимо камарбаста бўлишини мамнуният билан эътироф этишди.

Тадбир якунида тақлиф этилганлар дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуришди. Уларга эсдалик совғалари ва Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси раҳбарияти томонидан ташаккурномалар тантанали равишда топширилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.



Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## Журнални варақлаганда...



## БУГУНГИ ДАВР КЎЗГУСИ

**«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнаlining навбатдаги 3-сони нашрдан чиқди. Мазкур сондан бир-бирдан қизиқарли ва долзарб мавзулардаги мақолалар ўрин олган. «Энг улуғ, энг азиз айём шуқуҳи» номли мақолада мамлакатимизда истиқлол шарофати билан эришилган ютуқлар, кўпгина соҳаларда амалга оширилган изчил ислохотлар ўз аксини топган.**

«Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб дунё тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни ас-

раб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди» – дея таъкидланади мақолада.

Шунингдек, А.Очиловнинг «Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамиятнинг асоси» сарлавҳали мақоласида юртимизда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, жамиятимизда ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашдек устувор вазифалар ҳусусида сўз боради. Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг афзалликлари ҳақида мулоҳаза юритар экан, муаллиф шундай дейди: «Кези келганда айтиб ўтиш керак, ҳуқуқий маданият фуқароларнинг нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиши, улардан оқилона фойдаланиши, балки зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни ҳам чуқур ҳис қилиши, демакдир. Ҳуқуқий маданияти юксак бўлган одам қонунларни, жамиятдаги урф-одат ва ахлоқ меъёрларини ҳурмат қилади, уларга оғишмай риоя этади, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар содир этишдан ҳам тийилади».

## Юксак мукофот соҳиблари



Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## ФИДОЙИЛИК – РАҒБАТ КАЛИТИ

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳамиша ёнимизда, атрофимизда эканликларини ҳис қилиб турамыз. Бу инсонлар – осойишталик посбонларидир.

Осойишталик посбонлари қайси соҳавий хизматда фаолият юритмасин, уларнинг энг биринчи вазифаси ва бурчи ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиб, барқарорликни таъминлаш эканлигини унутишмайди. Милиция таянч пункти профилактика инспекторлари эса маҳалла аҳлининг бирига ака, бошқасига ука, яна бирига ўғил бўлиб, уларнинг яхши-ёмон кунида ёнма-ён, елкама-елка туришади. Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони ҳам эл корига камарбаста бўлишни болалигидан аҳд қилган майор Мансур Қурбоновдир.

(Давоми 5-бетда).

«Тарих саҳифаларида» рўқни остида берилган Ш. Тангировнинг «Марказий Осиё минтақаси жаҳон цивилизацияси марказларидан бирига айланишида диний омилнинг ўрни» мақоласи ҳам мазкур минтақанинг қадимий маданият ўчоғи бўлганини ифода этади. Унда зардуштийликнинг қадимги даврданоқ кўплаб халқлар маънавияти ва маданиятига кучли таъсир кўрсатгани қаламга олинади. Ушбу мақола тарихий фактлар, дунё таниган олимларнинг фикрларидан мисоллар келтирилгани билан янада мазмундорлик касб этган.

Шунингдек, ушбу сондан Б. Мирбобоевнинг «Парламент назорати — давлат ҳокимияти шохобчалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимида муҳим механизм сифатида», Б. Мусаевнинг «Ўзбекистонда чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари», Н. Жўраевнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари – давлат ҳимоясида» ва бошқа муаллифларнинг турли мавзулардаги материаллари ўрин олган.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,  
сержант.



# КЎНГИЛЛАР ШОДЛИККА ТЎЛДИ



**Республика ИИБ «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасига қарашли Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган байрам тадбири кўнгилларга завқ улашди.**



Пойтахтимиздаги энг сўлим, гўзал масканлардан бири сифатида тилга олинадиган ушбу маданият ва истироҳат боғи байрам кунларида янада фараҳбахш тус олди. Қутлуғ айём муносабати билан ташкил этилган «Аския ва наво» кечасига ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар тақлиф этилди. Уларнинг юз-кўзларидан кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-этибордан мамнунлик, дориламон кунларга шукроналик балқиб турибди. Дастурхон атрофида йиғилганлар бир-бирларини байрам билан табриклаб, тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдиришди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик улуғ неъмат эканлиги, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, кўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиб, бундай фаровонликнинг асоси юртимизда бардавом бўлиб турган тинчлик-осойишталик эканлигини эътироф этишди. Шунингдек, бугунги дориламон кунларга осонлик билан эришилмагани, бунинг учун қанчадан-қанча машаққатли йўллар босиб ўтилгани, аждодларимизнинг кўрсатган фидойиликлари ҳақида сўзлаб, истиқлолимизни асраб-авайлаш ва уни мустақамлаш барчамизнинг бурчимиз эканини таъкидлашди.

– Кексаларни эъзозлаш йилида биз, фахрийларга алоҳида эътибор қаратилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани учун республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига алоҳида миннатдорлигимизни билдирамиз, – дейди ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник Мирозим Сагатов. – Бугунги тадбирдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шундай улуғ айёмда

бизни йўқлаб, тўкин дастурхон ёзиб, файзли кеча ташкил этилганидан жуда мамнунмиз. Бу дориламон кунлар юртимизда тинчлик ва осойишталик туфайли, албатта. Биз, фахрийлар бор куч-қувватимиз ва тажрибамизни энг азиз неъмат – тинчликни асраш, уни мустақамлаш учун сарф этаверамиз.

Тантанали кечада халқимизнинг сеvimли санъаткорлари – Ўзбекистон

тон халқ артистлари Фуломжон Ёқубов, Ортиқ Отажонов, Зулайхо Бойхонова, Абдухوشим Исмоилов ва бошқалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқларни барча зўр олқишлар билан кутиб олди. Шунингдек, таниқли сўз усталарининг ичакузди ҳангомалари, аския айтишувлари барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

**Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,**  
кичик сержант.  
**Хумоюн МУҚИМОВ** олган суратлар.



## ФАКТЛАР ВА РАҚАМЛАР

● Киши йилига ўртача 1460 та туш кўрар экан. Бу ҳар кеча тахминан учтадан туш кўради дегани.

● Тимсоҳнинг эски тиши тушса, ўрнига янги-си ўсиб чиқаверади.

● Товуқ узоғи билан 13 сония парвоз эта олади.

● Энг кичик қуш – колибрининг вазни узоғи билан 20 граммгача бўлиб, у юра олмайди. Лекин орқага ҳам уча олади.

● Эшакнинг кўзи шундай жойлашганки, у бир вақтнинг ўзида тўрттала тарафни ҳам кўради.

● АҚШнинг Флорида штати худуд жиҳатдан Англиядан каттароқ.

● Дунёдаги жами термитларнинг умумий вазни жами одамларнинг умумий вазнидан оғирроқ.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

● Лампочкани ихтиро қилган Томас Эдисон қоронғиликдан қўрққан.

● Ирландиядаги шамол тегирмонларидан бошқа барча шамол тегирмонлари соат милларига тескари айланади.

● Ниначиларнинг айрим турлари бор-йўғи 24 соат умр кўради.

## БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

– Ота, иккита саволим бор.  
– Сўрайқол, ўғлим.  
– Биринчиси, ҳар куни берадиган пулингизни икки баравар кўлайтира оласизми? Иккинчиси, нега кўпайтира олмайсиз?  
\*\*\*

Икки оғайни яқинда сотиб олишган автомашинани устахонага итариб боришпти. Улардан бири:

– Машинанинг илгариги эгаси тўғри айтган экан.

– Нима деган эди?

– «Машинам тежамкор. Кам ёнилги сарфлайди» деганди.

– Ўғлим, нега фарзанд тарбияси ҳақидаги китобни ўқиясан? Ҳали ўзинг боласан-ку!

– Мени тарбиялашда меъеридан ортиқ қаттиққўллик қилмайсизми – шуни билмоқчиман.  
\*\*\*

Эълондан:

«Жамиятга нафингиз тегишини хоҳлайсизми? Қизлар сизга пешвоз чиқишларини, ҳатто ортингиздан югуришларини истайсизми? Ҳар қандай обҳаво шароитида ҳам одамлар сизни сабрсизлик билан кутиб туришлари ёқадими? Унда бизнинг автокорхонамизга ҳайдовчиликка тақлиф этамиз!»

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHIRIYATI**

MUASSIS:  
**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**

Mas'ul kotib v.b. – **Zokir BOLTAYEV**

Navbatchi –

**Furqat G'AYBULLAYEV**

Sahifalovchi –

**Rustam ISOQULOV**

Matn ko'chiruvchi –

**Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:**  
231-33-88;  
**Faks:** 255-31-39.



Tahririyat hisob raqami  
2021000900447980001,

MFO 00420.

ATIB

«Ipotekabank»

Mirobod

tuman bo'limi.

INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-3897. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69596 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**